



**95.ТЕХНИК ФОЙДАЛАНИШ ВА ХЎЖАЛИК БЎЛИМИ СЛЕСАРЬ-
САНТЕХНИГИНИНГ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:**

- Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;
- Иш жойини техника хавфсизлиги қоидаларига мос бўлиши ва асбоб-ускуналарни соз ҳолатда бўлишини таъминлаш;
- Иш бошлашдан аввал ўз асбоб-анжомларини яроқлилигини текшириб кўриб сўнг улардан фойдаланиш;
- Йилда бир марта ўз касби бўйича, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги бўйича малакаси ва билимини синовдан ўтказишда қатнашиш;
- Бириктирилган бино-иншоотлар ва ўқув хоналаридаги мавжуд сув, газ ва бошқа коммуникация тизимларни соз ҳолатда эканлигини ўрганиб чиқиш, аниқланган газ, сув, иситиш, канализация тармоғи тизимидаги барча носозликларни ўз вақтида сифатли созлаш;
- Бўлим бошлиғи томонидан берилган ишни ўз вақтида ва сифатли бажариш;
- Филиал ва жамоа мулкни асраб-авайлаш ва мақсадли фойдаланиш;
- Филиал бино-иншоотларини куз-киш мавсумига тайёрлаш ишларини ўз вақтида бажариш;
- Техника хавфсизлиги бўйича даврий йўриқномадан ўтиш;
- Иш жойларини тоза тутиш ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этиш;
- Филиал ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш.

Билиши керак:

Хўжаликни юритишга тааллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, Филиал ички тартиб-қоидалари билиши.

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга, маданиятли, хушмуомалалик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, қатъий ҳаракат қилиш,
- Ўрта-махсус маълумотга эга бўлиши;
- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙК М ва ОТЙМК бўйича коди
469 6.	Слесарь-сантехник	7136	И/Ч	Ўрта-махсус	3310300